

**БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲАРБИЙ МАНСАБЛАР****СОБИРОВ ЖАМШИДБЕК ЗОКИРЖОН ЎҒЛИ****АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ****3-БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Захириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда асос солган Бобурийлар давлатидаги ҳарбий мансаблар, уларнинг иш вазифалари ҳамда уларга берилган унвон ва ер-мулклар ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Бобурийлар, саркардалар, Абдулҳамид Лоҳурийнинг фикри, “хони жаҳон”, “хони хонон”, “доғ махали”.

Мирзо Бобур Ҳиндистонда давлат тузубди ҳамки ушбу давлатнинг бошқарувиغا алоҳида эътибор қаратган. Давлатнинг ҳарбий бошқарувиغا ҳам худди бобоси Амир Темур каби жиддий эътибор қаратган. Хусусан ўзига хос ҳарбий мансаблар жорий этилган. Ғ. Сатимовнинг "Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври" асарида Бобурийлар давлатидаги ҳарбий мансаблар борасида қуйидаги сўзлар келтирилади:

Бобурийлар кўшинининг алоҳида эътиборга молик хусусияти унинг ҳарбий мансабдорлар тизимидир. Л. П. Шарманинг тарихий манбаларга таянган ҳолда кўрсатишича, ҳарбий мансабдорлар ўз мавқе даражасига кўра ўн хил тоифага бўлиниб, шунга кўра уларга маош ва ҳуқуқлар берилган. Энг кичик мавқедаги мансабдорга ўнта навқарга, энг юқори мансабдорга эса 12 минг кишилиқ кўшинга қўмондонлик қилиш ҳуқуқи, 5 мингдан 7 минг нафаргача аскар бўлган кўшинга фақат шахзодаларга руҳсат берилган. Тарихнавис Абулфазлнинг гувоҳлик беришича, саркардалар 33 хил тоифага ажратиларди. Акбар ҳукмронлиги даврида ҳарбий мансабдорлар тизими «зот» ва «суворий» мансаби ҳам киритилган бўлиб, зот пиёда аскарлар сонини билдирса, суворий саркарда қўмондонлик қиладиган отлик аскарлар миқдорини билдирган.



Шоҳ Жаҳон даврида яратилган «Подшоҳнома» асарининг муаллифи Абдулҳамид Лоҳурийнинг таърифлашича, Ўз ер-мулкида истиқомат қилиб турган саркардага бириктирилган қўшиннинг учдан бир қисмига тенг миқдорда аскар сақлашига руҳсат берилган. Ўз мулкидан ташқарида, бироқ, мамлакат ҳудудида турадиган лашкарбошига ўз қўшинининг тўртдан бир қисмига тенг миқдорда аскар тутиб туриши, салтанат ҳудудидан ташқарида эса ўз қўшинининг бешдан бир қисминигина сақлаб туришига руҳсат этилган. Ҳарбий лавозимгача саркардаларга давлат маъмуриятидан лавозим берилмаган.

Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида ҳарбий қўмондонларнинг 8000 гача аскарга эга бўлган қўшинни, шахзодалар эса 4000 кишилиқ қўшинни бошқариш ҳуқуқи бор эди. 500 тагача аскарга эга бўлган саркардага «мансабдор», 500 тадан 2500 тагача сарбозга эга бўлган лашкарбошига «амир», 2500 дан ортиқ қўшинга эга бўлган саркардага эса «амири аъзам», ундан юқори мавқедаги лашкарбошиларга «хони жаҳон» унвони берилган. Ҳарбий уивонларнинг энг юқориси «хони-хонон» деб юритилган.

Ҳарбий мансабдорларга бериладиган маош миқдори ва уларнинг мансабини ошириш масалалари билан фақат подшоҳ шуғулланарди. Уларга хазинадан йил давомида маош тўланар экхуд махсус ер-мулк ажратиб бериларди. Ҳарбий мансабдор ҳам ўз навкарларига давлат ҳисобидан маош тўларди.

Салтанат қўшинининг энг салмоқли ва қудратли қисми пойтахтда сақланар, бу қўшин подшоҳ ўзи шахсан жангга отлангандагина ҳаракатга кирарди. Қўшиннинг қолган қисми ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик ҳудудларда, яъни хавф келиши мумкин бўлган чегара жойларда сақланарди. Қобул-Пешовар йўналишида мунтазам қўшин сақланарди ва унга тажрибали ва шоҳга садоқатли саркардалар қўмондонлик қиларди.

Душмандан сақланишнинг энг ишончли воситаси қальалар бўлиб, қальаларда кўплаб қурол-аслаҳа ва озик-овқат захиралари турган. Салтанатдаги машҳур Аллох-обод, Калинжар, Чунор, Рохтасгар, Ажмер, Гувалёр, Дехш, Агра, Лоҳур, Ратгамбор,



Қандаҳор, Қобул, Асиргар, Дачатобод, Аврангобод, Бижопур, Гочконда каби қалъалар салтанатдаги энг мустаҳкам ҳимоя воситаси ҳисобланган.

Ҳарбий мансабдорларга давлат хазинасидан маош ва ер-мулк бегилангудай бўлса, унинг мулкидан солиқ ундириш ҳуқуқи марказий ҳукумат идораси ҳодимларигагина берилган. Тўпланган солиқ мулк эгаси бўлган ҳарбий мансабдорларга берилиб, унинг маошидан ўшанча миқдордаги маблағ чегириб қолинган.

Ҳар бир ҳарбий саркардага алоҳида мавқе (унвон) берилган. Хаттоки босиб олинган мамлакат (вассал)нинг ҳарбий бошлиқлари ҳам унвон билан сийланган. Шуниси диққатга сазоворки, ҳарбий мансабдорга давлат идораларида махсус лавозим берилмасди. Акбар даврида саркарда Абулфазл вазир бўлиб ишлагани холда, саркарда рожа Ман Сингх бундай лавозимга қўйилмаган.

Акбар Мирзо даврида ҳарбий от ва филларга тамға босиш жорий қилинган. Бу иш билан алоҳида «Дог махали» деб аталган бўлим шуғулланган. Ҳар бир от ва филга ўз ҳарбий бошлиғнинг ва подшоҳнинг тамғаси босилган. Ҳар бир ҳарбий мансабдорнинг қўшини ҳар йили ёки уч йилда бир марта подшоҳнинг шахсий кўригидан ўтказилган.

Ҳарбий ишларни такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият берилгани учун Акбар қўшини қудратли, интизомли ва енгилмас лашкарга айланган. Айниқса, армияни бошқаришда ҳарбий мансабдорлик тизими жуда қўл келган. Ҳинд тарихчиси Р. П. Тритгатитнинг ёзишича, Акбар қўшини «ғолиб ва самарадор», деб аталган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса Тарих география мусиқа ҳарб илми каби фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

- Ғофуржон Сатимов, Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2008.



- Ғофуржон Сатимов, Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2008.
- Маҳмуджон Нуритдинов, Бобурийлар сулоласи. – Тошкент: Фан, 1994
- Турғун Файзиев, Бобур ва унинг авлодлари. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
- Ғофуржон Сатимов, Бобурийзодалар. – Тошкент: Маънавият 2003.
- Sobirov jamshidbek zokirjon o'g'li. (2022). ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR – DINIY VA DUNYOVIY BILIMLAR SOHIBI. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(1), 194–197. Retrieved from <http://2ndsun.uz/index.php/yt/article/view/42>